



YOSHILAR OVOZI

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимидаги ишларни таҳлил қилиш, соҳани жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилашга бағишланган йиғилиш ўтказди.

— Ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожини таъминлаш, одамларга қулайлик яратди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Йил бошида ушбу муҳим соҳани ривожлантириш бўйича белгилаб берилган кўп-лаб вазифалар ижроси тўлиқ таъминланмади. Тармоққа инвестиция жалб этиш, хизматлар ва тайёр дастурий маҳсулотларни экспорт қилиш аҳоли бизни умуман қониқтирмади.

Шунинг учун вазирлик раҳбариятини ўзгартиришга мажбур бўлдик. Янги вазир ва унинг ўринбосарлари бундан тегишли хулоса қилиб, ўз ишларини мутлақо янги тарзда ташкил этишлари лозим. Мавжуд муаммоларни тезроқ бартараф этиш ва тармоқни тубдан ривожлантириш, жалб этилаётган инвестициялар ва экспорт ҳажмини кескин кўпайтириш, энг муҳими, қисқа даврда тизимда сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш керак, деди Президентимиз.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва Президент ҳузуридаги йиғилишларда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш қандай бораётгани таҳлил қилинди. Соҳани жадал ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш, тўғридан-тўғри сармоялар иштирокидаги лойиҳалар улушини ошириш зарурлиги та-

қилланди. Жорий йилда камидан 200 миллион доллар, 2019 йилда эса инвестициялар, айниқса, тўғридан-тўғри сармоялар ҳажмини 500 миллион долларга етказиш вазифаси қўйилди.

“Ўзбектелеком” компаниясининг нуфузини ошириш, “Ўзмонбайл” миллий мобил алоқа операторини ривожлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Соҳада хизматларни экспорт қилиш етарли эмаслиги, бу кўрсаткични кескин ошириш, энг аввало, дастурий таъминот яратиш ва экспортни кўпайтириш кераклиги таъкидланди.

Телефон ва интернет фойдаланувчиларига кўрсатилаётган хизматлар сифати пастиги, мавжуд алоқа тармоқларининг атиги 27 фоизи оптик толали, қолгани мис симли линиялардан иборат экани танқид қилинди. Интернет тармоғига уланмиш тезлигини ошириш, алоқа тармоқларини тўлиқ оптик толага алмаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Электрон ҳукумат” тизимини янада ривожлантириш, интерактив давлат хизматлари кўрсатишни кескин яхшилаш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Почта алоқаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратилди.

Соҳада кадрлар танқислиги сезилаётгани, Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида илмий салоҳиятга эга педагоглар бор-йўғи 21 фоизни ташкил этиши қайд қилинди. Шу боис университетда ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини ошириш ва илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда, мамлакатимизда ахборот-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 5 йиллик миллий дастурни ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ ВА ГУРУҲЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI FUҚAROLARINI JINOHИY JAVOBGARLIKДАН ОЗОД ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлашга, шунингдек, ёшларни террористик, экстремистик ва бошқа бузуғчи ғоялар таъсиридан самарали ҳимоя қилишга қаратилган жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бунинг натижасида биргина 2017 йилда 18 мингдан зиёд содир этган қилмишига пушаймон бўлган ҳамда тинч турмуш тарзига қайтган фуқаролар террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар фаолиятида иштирок этишга мойил бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилди. Уларнинг 10 мингдан зиёдаги иш билан таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳузуридан ташқарида бўлган, ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигини англаб етган ва тузалиш йўлига ўтган фуқароларга Ватанига, оиласи бағрига, тинч ҳаётга қайтиш имконини бериш мақсадида, шунингдек, инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда:

1. Террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб йўритилди) иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. 2018 йил 1 ноябрдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар (кейинги ўринларда – тақиқланган ташкилотлар) таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Комиссия хулосасига асосан жинорий жавобгарликдан озод этилади;

Комиссия томонидан салбий хулоса чиқарилган тақдирда барча ҳолатлар қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қўймадаги ҳолларда, ушбу Фармонга мувофиқ, жинорий жавобгарликдан озод этилиши мумкин:

айбини бўйинига олиш тўғрисида шахсан арз қилиб келса, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва тузалиш йўлига ўтган бўлса; жинорий фаолият ва бошқа ҳуқуққа хилоф қилмишларни фош этишда фаол ёрдам берган бўлса; тақиқланган ташкилотлар сафига алоҳид йўли билан жалб этилган бўлса; тақиқланган ташкилотларнинг ғоявий ёки маънавий раҳнамоси бўлмаган бўлса; жанговар ҳаракатларда ва қўпурчилик ҳаракатларини содир этишда иштирок этмаган бўлса; террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида тақиқланган ташкилотларда ўқув, махсус ёки ҳарбий тайёргарликдан ўтмаган бўлса; террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида чиқиш ёки ҳаракатланишни амалга оширмаган бўлса;

(Давоми 2-саҳифада)

XALQARO HAMKORLIK

БИР ҚАДАМ ОЛДИНГА

Хабаровск шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ёш лидерларининг иккинчи форуми бўлиб ўтмоқда

Россия ёшлар иттифоқи ташаббуси билан ўтказилаётган анжуманда Россия, Хитой, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларус, Покистон, Ҳиндистондан келган 160 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этмоқда.

Форум доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти институтлари фаолиятида ёшлар иштирокчиси таъминлаш истиқболлари кўриб чиқилади, ШХТга аъзо мамлакатларнинг ёшлар ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес, таълим, ижтимоий дипломатия, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик ўрнатиш маса-



лалари муҳокама қилинади. Иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, ўз йўналишлари бўйича фикр-мулоҳазаларини билдиради. Қайда этиш керак, Халқаро ёшлар ахборот агентлигини ташкил этиш бў йилги

ларини ташкил этиш ҳақида келишиб оламиз. Форум давомида турли маданий ва кўнгличар дастурларни ўтказиш кузда тутилган. Бугун анжуманнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёш лидерларининг биринчи форуми 2016 йилда Омск шаҳрида ўтказилган. Унда ташкилотга аъзо саккиз мамлакатдан ёшлар қатнашган. Илк форум самараси ўлароқ, жорий йилда Москва шаҳрида Халқаро бизнес-инкубатори ташкил этилди. Бу ерда унга яқин, шу жумладан, Ўзбекистонлик тадбиркорларнинг муқобил энергия манбаларини яратишга доир лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Наргиза УМАРОВА
Хабаровск



форумнинг амалий натижаси бўлиши кутилмоқда. — Утган йиллар давомида қилинган ишларни ҳам сарҳисоб қиламиз, — дейди Россия ёшлар иттифоқи раисининг ўринбосари Татьяна Северстова. — Яқинда форум резолюциясини имзолаб, Халқаро ёшлар ахборот агентлигининг муҳирлик пункт-

TAASSUROT

ДУНЁНИ БИРЛАШТИРГАН САНЪАТ БАЙРАМИ

Шаҳрисабз — дунё аҳлини ҳайратлантирган кент. Унда энгилмас Сўхибқирон салтанатининг ҳайбатли тимсоли Оқсарой, Кўкғумбаз каби тарихий ёдгорликлар қад ростлаган. Қадим Кеш азалдан санъат ва маданият аҳли, улўғ аллома ва шоирлар, моҳир ҳунармандлари билан шўҳрат қозониб келган. Халқаро мақом санъати анжумани шаҳарнинг тарихий маҳобатини қайта жонлантирди, десам муболага бўлмайди.

Фестивалда хоразмлик ёшлар номидан қатнашиб, ушбу санъат байрами орқали миллий қадриятларимиз кенг тарғиб қилиниб, халқлар ўртасидаги маданий алоқалар янада мустаҳкамланаётганига гувоҳ бўлдим.

Мамлакатимизда илк бор ўтказилган ушбу анжуманга ташриф буюрган иштирок-



чи ва меҳмонлар орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳонда машҳур хонанда ва созанда, маданият ва санъат арбоблари, мусиқа-шўнос олимлар борлигини кўриб қувондим. Айниқса, уларнинг юртимиз, миллий санъатимиз ҳақидаги фикрларини эшитиб шундай

жаннатмақом юрт фарзанди эканидан ғурурландим. Жаҳолатга қарши маърифат ила курашишда халқимизнинг бой маданий мероси нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини яна бир бор ҳис этдим.

Муҳайё РАЖАБОВА

ЖИЗЗАХ: муаммо ва ечим

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Жиззах вилоятида “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!” шиори остида “Ёшлар ҳафталиги” ўтказилмоқда.



3-саҳифага қараш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТЕРРОРИСТИК, ЭКСТРЕМИСТИК ЁКИ БОШҚА ТАҚИҚЛАНГАН ТАШКИЛОТ ВА ГУРУХЛАР ТАРКИБИГА АДАШИБ КИРИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИНИ ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

халқаро терроризмни мунтазам равишда иштирок этмаган бўлса; террористик, экстремистик ва бошқа бузғунчи ғоялар мавжуд бўлган материалларни адашиб ёки ахборот-коммуникация воситаларида тарқатишга қасд қилмаган ва бундай мақсадни кўзламаган ҳолда сақлаган бўлса.

ларини кўриб чиқиш; муружаат этган фуқароларнинг шахсини, шу жумладан, уларнинг содир этилган жиноятларга дахлдорлигини ҳар томонлама текшириш орқали ўрганиш; муружаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган ҳуқуқсизлик дастлабки тергов органларига ўрнатилган тартибда тақдим этиш; содир этган қилмишига пушаймон бўлган ва айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилиб муружаат этган фуқароларга нисбатан тақиқланган ташкилотлар аъзолари томонидан салбий таъсир этилишининг олдини олиш

бўйича тегишли чораларни кўриш учун ваколатли органларга топшириқлар юбориш; жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишида, шу жумладан, бандлигини таъминлаш борасида кўмаклашиш ва мониторингини олиб бориш; жиноий жавобгарликдан озод этилган шахслар билан профилактик-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотларга топшириқлар юбориш.

5. Белгилансинки: ушбу Фармон фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш учун асос ҳисобланади; тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг қилмишига пушаймонлиги ҳамда айбини бўйнига олиш тўғрисидаги аризаси хоҳишида уларнинг яшаш жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарига ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига берилди; ушбу Фармон билан жиноий жавобгарликдан озод этилиб, тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш билан боғлиқ жиноятни

қайта содир этган шахснинг такрорий муружаати кўриб чиқилмайди; Комиссия томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарор барча давлат органлари ва ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийдир; Комиссиянинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Олий суд билан биргаликда бир ой муддатда тақиқланган ташкилотлар таркибига адашиб кириб қолган фуқароларнинг муружаатларини кўриб чиқиш ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизмларини назарда тутуви Низоми ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази ушбу Фармон мазмун-моҳиятини, шунингдек, унинг ижроси бўйича амалга оширилган

ишларни мунтазам равишда аҳоли ўртасида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000-йил 6 сентябрдаги "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги ПФ-2712-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 19 сентябрь



TASHABBUS

МАРАФОН БАЙРАМГА
АЙЛАНДИ

Феруза ЖАЛИЛОВА

Бектемир туманида "Мустақиллик марафони" ўтказилди

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган беллашува ҳудуддаги давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ўқувчи-ёшлар ва фахрийлар иштирок этди.

Чинакам спорт байрамига айланган марафонда Миллий гвардия хизматчиларининг жанговар машқлари намойиши ва спортчиларнинг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдириди. Яқунда ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

ОРАДАН БИР ЙИЛ ЎТДИ
ёшлар масаласида нималар ўзгарди?

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎзА мухбири

Юртимиз истиқлолга эришгач, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жараёнида ёшлар, уларнинг таълим-тарбияси, порлоқ келажаги, ўй-хаёллари, орзу-истакларига алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь кунини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида ёшлар масаласига ҳам эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари таъдиллар, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизи хусусида тўхталар экан, "Одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир", деб таъкиллаган эди.

Маълумотларга қўра, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари — сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиардни ташкил этмоқда. Демак, сайёрамизнинг эртанги кунини, фаровонлигини фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Таълим-тарбияга бу жараёнда соғлом фикрли, юксак салоҳиятли ва фидойий фарзандларни вояга етказишда муҳим омил бўлиб қолаверади.

Президентимиз БМТ минбаридан туриб "Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олишдир. Бунинг учун ёш авлодини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз", — деди. Шунинг узиёқ бу қатлам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қай даражада муҳим эканини кўрсатади. Уларни тўғри йўналтириш, ёт ғоялардан асраш, салоҳиятини юксалтириш эса асосий вазифалардан.

Бу каби алоҳида эътибор ва эъзоз сабаб, янгидан-янги ташаббус, ғояларни илгари суриб, замонавий иш юритиш услубларини жорий қилишда шу қатламнинг нуқтани назари ва сая-ҳаракатлари алоҳида аҳамият касб этади. Юртимизда эса бу борда тизимли ишлар қилинмоқда. 2016 йил 14 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни ёшларга эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, имтиёз ва имкониятлар бериш йўналишидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Шу асосда ёшларга замонавий таълим олиш, ўй-жой билан таъминлаш, оила қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратишда катта имкониятлар, тизимли ижтимоий кафолатлар тақдим этилмоқда. Сўнгги йилларда

ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоён қилиш, уларнинг фуқаролик жавобгарлигини ва олиб борилаётган ислохотларга дахлдорлигини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз жорий йил 27 июнда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармонини имзолади. "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси, шунингдек, унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилмоқда. Бунда ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш, олинмаган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафиликлар бериш каби ишлар назарда тутилган. Шунингдек, амалга оширилаётган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик

жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш, тегишли кўникмаларга эга банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй ҳужаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда боқиш ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашиш ҳам кўзда тутилган. Бу каби амалий ҳарақатлар замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга қодир, баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш, мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришга хизмат қилади. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган эътибор юртимизнинг жадал тараққиёти, турмушимиз фаровонлигига эришининг асосий йўлларидандир.

"БАХТИЁРЛАР ДИЁРИ" КЎРИК-ТАНЛОВИ
ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Гулноза БОБОЕВА,
ЎзА мухбири

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!" шиори остида "Бахтиёрлар диёри" кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги ил-

мий-маърифий ёдгорлик мажмуаси, Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази вакиллари, профессор-ўқитувчилар, санъат намояндалари, ўқувчи-ёшлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Тадбирда мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ғоя ва истисодларини қўллаб-қувватлаш ҳамда

рағбатлантириш борасида самарали ишлар қилинаётгани таъкилланди. "Бахтиёрлар диёри" кўрик-танловининг илк босқичлари жорий йилнинг апрель-май ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар миқёсида касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган эди. Мазкур кўрик-танловда Самарқанд темир йул транспорт касб-хунар коллежи, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиззах академик лицейи, Олмалик қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи, Тошкент педагогика коллежининг жамоалари юқори натижалар кўрсатиб, республика якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда иштирокчилар "Табаррук даргоҳ", "Аждадоларга муносиб авлодларимиз" ҳамда "Бахтиёрлар диёри" шартлари бўйича беллашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, ўзлари тасвир олаётган таълим муассасаларидаги янгиланишлар хусусида фикр ва мулоҳазаларини баён этди. Танлов якунида биринчи ўрин Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиззах академик лицейи, иккинчи ўрин Тошкент педагогика коллежи, учинчи ўрин Самарқанд темир йул транспорт касб-хунар коллежи ҳамда Олмалик қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи жамоаларига насиб қилди. Ғолибларга диплом, фахрий ёрлик ва эсаалик совғалар топширилди.

УМИД,
ИШТИЁК,
ШИЖОАТ

Саламат АВЕЗОВ

Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Унга Қорақалпоғистон Республикасининг туман ва шаҳарларидан 200 нафардан зиёд жисмоний имконияти чекланган йигит-қиз жалб этилди. Тадбирда марказ мутахассислари фикр билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришди, уларнинг муаммолари, орзу-истакларига қулоқ тутди. Шунингдек, учрашув давомида "Сиз ўз ҳуқуқингизни биласизми?" мавзусида ўқув-семинари ўтказилиб, мамлакатимизда ёшлар масаласида қилинаётган ишлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ҳақида маълумот берилди. Ёшларнинг қўзидаги иштиёқ, шижоати кўриб, қувондим, — деди Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази раҳбари Раъно Шодиева. — Келажак сари дедил қадам ташлаган, мақсадни аниқ олган киши, албатта, кўзлаган маррасига етади.

DAVRA SUHBATI

Т.АЪЗАМОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан "Оммавий ахборот воситаларида оила масалаларини ёритиш стратегияси" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

ЭҲТИЁТКОРЛИК МУҲИМ



Унда Журналистлар ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари мутахассислари, пойтахтимиздаги олий таълим муассасаларининг

профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда айрим кўнгилочар сайтлар, босма нашрларда қўтилик, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг туб моҳиятига

етмасдан, юзаки ўрганиб, аудиторияга тарқатиб юборилаётгани танқид қилинди. Иштирокчилар журналист этикаси, одоб-ахлоқ меъёрлари ва бошқа инсоний тамойилларнинг оилалар тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ўрни хусусида фикр-мулоҳазаларини билдириб, учраётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифларини ўртага ташлади. Истиқболда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда жамиятимиздаги ибратли оилаларнинг ҳаёт тарзи ва фаолияти ҳақида тарғибот материалларини тайёрлашга келишиб олинди. — Журналист мустақил фикрли, ҳолис бўлиши лозим, — деди филология фанлари доктори, профессор Ёқутхон Маматова. — Айни пайтда оммавий ахборот воситаларида танқидий, таҳлилий материаллар кўпаяётгани қувонарли. Аммо уларнинг ҳаммасида ҳам мавзу тўлиқ очиб берилиб, жўяли мулоҳаза юритилмайди. Аинқиса, жамиятдаги иллатлар, қўтилик, жиноят каби мавзулар ёритилаётганда эҳтиёткорлик муҳим аҳамиятга эга. Аввало, масаланинг илдизини ўрганиб, унинг оқибати ҳақида сўз юритилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

ЖИЗЗАХ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Вилоят ёшлари муаммосига ечим топиш, уларга ижтимоий-психологик кўмак беришни мақсад қилган ишчи гуруҳ дастлаб, атоқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов, сўнг ўзбек шеъриятининг икки забардаст вакили – Ҳамид Олимжон ҳамда Зулфия ҳайкали пойига гулчамбар қўйиб, ҳурмат бажо келтирилди. Шундан сўнг гуруҳ аъзолари Зомин туманига йўл олди.

СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ


Туман Марказий ўйингоҳида ҳудуддаги 36 та маҳалладан 400 нафарга яқин ёш спортсеварлар эрталабки бадантарбия машқида иштирок этди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида спортнинг олти тури бўйича беллашувлар ўтказилди. Сузиш баҳсларида Гўзал Нўмонжонова ва Абдулла Эргашев ғалабани қўлга киритди. Юнон-рум курашида эса, Ҳусанжон Абдуқундузовга бас келадиган полвон топилмади.

— Бу каби спорт тадбирлари бўлажак чемпионларни кашф қилади, — дейди Зомин тумани болалар ва ўсмирлар

спорт мактаби директори Жалшид Холиқов. — Мактабимизда ҳам бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда 34 нафар мураббий қўл остида 13 минг 400 нафарга яқин ўқувчи спорт билан шуғулланмоқда.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган марафонда ўғил болалар ўртасида Жиззах давлат педагогика институти талабаси Бекзод Сафаров, қизлар ўртасида эса, Шаҳноза Баҳромова марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Голблар ўзбек ва жаҳон адабиётининг ноаир асарлари жамланмаси билан тақдирланди.



САХОВАТ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибат, дарддошлик туйғуларини қадрлаб келади. Инсон қадри, шаъни у ким бўлишидан қатъий назар улуғланади.

Ҳафталик давомида Зоминдаги 5 нафар ижтимоий ҳимоята муҳтож, жисмоний имконияти чекланган болалар ҳолидан

хабар олинди. Уларга мактаб формаси, ўқув қуроллари тақдим этилди.

Шунингдек, боқувчисини йўқотган, ёши улғун инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, минни-печ, ногиронлик аравачалари топширилди.

ЧЕККА БИР ҚИШЛОҚНИНГ...

Соғлиқ инсон учун муҳим нэмат. Унинг қадрига етиш, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб этиш долзарб масаладир. Бироқ беш қўл баробар эмас. Ҳамма ҳам ўз вақтида даво-ланишига имкон топа олмайди.

Ҳафталикда ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Ём” қишлоқ врачлик пунктида 9 та йўналиш бўйича ҳудуд аҳолиси чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Айтиш керак, мазкур қишлоқ

врачлик пункти 8 минг 400 нафарга яқин аҳолига хизмат қилади. Кўрик якунида касаллиги аниқланган инсонларга дори-дармонлар бепул тарқатилди.

— Келиним ҳомиладор. Тез-тез касал бўлиб туради, — дейди Садоқат Қўшжонова. — Қишлоғимизга замонавий ускуналар билан жиҳозланган “Тез ёрдам” машинаси ва малакали шифокорлар келганини эшитиб, кўриқка олиб келдим. Камқонлик касалига чалинган экан. Шифокорлар муҳим тавсия ва зарур дориларни берди.

ОРОМГОҲДА ДИЛКАШ ЛАҲЗАЛАР

Тумандаги “Амир Темур” болалар оромгоҳида 100 нафардан ортиқ ижодкор ўғил-қиз адабиёт, санъат, маданият соҳасининг таниқли вакиллари билан учрашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси, “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Фахридин Ҳайитов, Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқали драма театри актёри Умид Шодмонов, “Мара ўғлон” Давлат мукофоти совриндори, ёш ижодкор Муҳаммадхон Юсупов жиззахлик ёшлар билан ижод заҳмати борасида фикр алмашди. Ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашди. Жараёнда Зомин

туманидаги олис Увол қишлоғидан келган Дилбек Тожибоев Фурқат қаламига мансуб “Фасли навбахор ўли” ғазалига басталанган қўшиқни маромига етказиб ижро қилди. Мақом санъатини мустақил урган тенгдошимиз йиғилганларда катта таассурот қолдириди.

Учрашув давомида ёш қаламкашлар томонидан Ватан, ота-она, инсоний туйғулар тараннум этилган шеърлар ўқилди. Фаол иштирок этган ёшларга китоблар улашилди.

Шунингдек, тумандаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда ҳам элимиз суйган санъаткорлар билан учрашув ташкил этилди.

ЛОҚАЙДЛИК БАРЧА ИЛЛАТЛАРНИНГ АСОСИ

Вилоят марказидаги 10-умумтаълим мактабиде “Биз ёшлар жиноятчиликка қаршимиз!” мавзусида ўқув-семинари ташкил этилди.

Нотинч оила вакиллари, ота-оналар, ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, ҳудудда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вояга етмаганлар томонидан 17 та жиноят содир этилган.

Ҳўш, бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Аввало, жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари

кучайтириш лозим. Қолаверса, таълим муассасалари маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда, ишласа, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, лоқайдлик барча иллатларнинг асосидир.

Яқунда ўқув-семинарига ташриф буюрган ота-оналар учун Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази мутахассислари Ширин Мустафоева ва Азамат Баҳридинов томонидан маҳорат дарслари ўтказилиб, мавзу юзасидан керакли тавсиялар берилди.

11 НАФАР ЁШ ТЎҒРИ ЙЎЛГА ҚАЙТДИ

Ҳафталик давомида ажрим ёқасида турган еттита ёш оила сақлаб қолинди. Малакали психологлар кўмағида жиноятга мойил бўлган 11 нафар йигит-қиз соғлом ҳаёт тарзига қайтарилди. “Психолог қабули” натижасида руҳиятида ижобий ўзгаришлар кузатилган 6 нафар вояга етмаганлар ички ишлар органларининг профилактика бўлигидан чиқарилди.

Бугунги кунда Бахмал туманида 149 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда 54 та нотинч оила борлиги қайд этил-

ган. Ўтган йилги кўрсаткич 84 та эканини инобатга олсак, бу борадаги қилинаётган ишлар самара бераётганини кўриш мумкин.

Мутахассислар ажримнинг олдини олиш учун бўлғуси келин-куёвнинг тўйдан аввал психолог кўригидан ўтиши кераклигини таъкидлади. Шу мақсадда туман ФХДБ бўлимида психологик-тренинг ўтказилди. Унда катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёшларга малакали психологлар томонидан оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида зарур кўрсатмалар берилди.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ(МИ)?

“Ёшлар ҳафталиги” деганда дабдабали, муваффақиятларни намойиш қилувчи, баланларвоз гаплар айтиладиган тадбир, деб тушунмаслик лозим. Афсуски, ҳафталикнинг асл моҳиятини тўла англамай, унга панжа орасидан қараётганлар ҳам учрамоқда.

Бахмал тумани маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ана шу камчилик кўзга ташланди. Коллеж биноси ёшлар билан гавжум. Афсуски, иш берувчи ташкилот бор, бироқ иш ўрни йўқ! Ҳисобот, кўзбўямачилик учун ташкилот томонидан юборилган мутасаддилардан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида сўраганимизда “Иш йўқ, бизга бориб қатнашиб келинглар, деб айтишди”, деган жавобни олдик.

Савол туғилади, ташкилотларга мурожаат қилган ишсиз

ёшларни алдашдан кимга фойда? Бу ҳолат ёшларнинг ишончини сўндирмайдами?

Шукри, туман прокурори Отабек Эшонқўлов аралашуви билан муаммо жойида бартараф этилди. У бир қанча ёшларни иш билан таъминлашда бош-қош бўлди. Яқунда 22 нафар ёш ишли бўлди.

— Қизим Чарос Ғаллаорол тиббиёт коллежини шу йил тамомлади, — дейди “Қўтлуғобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Дилафруз Абдурашулова. — Мутахассислиги бўйича иш сўраб, бир қанча ташкилотларга мурожаат қилдим. Фойдаси бўлмади. Бугунги ярмаркада давлат санитария эпидемиология назорат марказининг туман бўлимига ишга жойлашди.

“Ёшлар ҳафталиги” давом этмоқда.



